

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШГА ОИД АМАЛИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Турдиев Лазиз Зарифович

Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568357>

Ҳозирги кунда суд-тергов амалиётида далилларни тўплаш борасида процессуал қонун талаблари асосида ҳаракатлар амалга оширилишига қарамасдан баъзи жиноят ҳақида келиб тушган ариза ва шикоятларни ҳал этиш ва жиноят ишларини тергов қилиш юзасидан тўпланилган далиллар жиноят ҳақидаги ариза ва шикоятлар юзасидан нотўғри қарорлар қабул қилинишига ва жиноят ишини тергов қилишда исботлаш предмети тўлиқ исботланмаётганлигини кўришимиз мумкин. Жиноят юзасидан келиб тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ва содир этилган жиноятларни тергов қилиш жараёнида Жиноят-процессуал кодекснинг 18-моддасига кўра жиноят ишини юритишга маъсул бўлган барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиши шарт[1]. Ушбу жараёнда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят юз берганлигини ёки бермаганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини ёки айбдор эмаслигини, айбланувчини ёки судланувчини фош қиладиган, оқлайдиган унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган, оғирлаштирадиган, суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, шунингдек, жазони ўташдан бўйин товлайдиган ҳамда бедарак йўқолган шахсларни қидиришни, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотларни жиноят иши бўйича далил сифатида тўплаши қонунда кўрсатилган. (ЖПК-82м 1қ) Бугунги кунда терговга қадар текширув органларининг мансабдор шахслари томонидан жиноятга алоқадор ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш вақтида далилларни тўплаш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишда бир ыатор камчиликларга йўл қўймоқдалар бу эса яқинда келиб тушган мурожаат бўйича нотўғри қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорининг 2-бандида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг [203](#) ва [211-моддалари](#) мазмунига кўра, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашга хизмат қилиши мумкин бўлган ҳамда физикавий аломатлар ёки белгиларга эга ҳар қандай нарсани ашёвий далил деб эътироф этилади[2] деб таъкидлаб ўтилган. Жиноят ҳақидаги ариза ва шикоятларни кўриб чиқаётган терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, жиноят ишларини тергов қиладиган суриштирувчи ва терговчилар далилларни Жиноят-процессуал қонунчилигида кўрсатилган айблов ва ҳукм қилиш учун асосларни тўлиқ исботлаши қонун нормаси билан мустахкамланган. Шундан келиб чиқиб далилларни тўплаш фақат қонуний йўллар билан тергов ҳаракатлари, процессуал ҳаракатлар ва тезкор қидирув тадбирларини ўтказиш асосида амалга оширилиши қонун нормалари билан тартибга

солинган. Шунга қарамасдан бугунги кунда суд-тергов амалиётида далилларни тўплаш ваколатига эга бўлган шахслар томонидан бир қатор камчиликлар мавжуд. Булар:

- Тергов ҳаракатлари ва процессуал ҳаракатларни ўтказишда қонун нормалари талабларнинг бўзилиши;
- Жиноятларни тез ва тўла очишда муҳим бўлган тергов ҳаракатларни ўз вақтида ўтказилмаётганлиги (жумладан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш)
- Тергов-тезкор гуруҳининг тўлиқ таркибда ҳодиса жойига чиқмаганлиги
- Тергов ҳаракати баённомасини расмийлаштиришдаги ҳатоликлар (ашёвий далилларни қайд этиш ва олишда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги;
- далил қолдирилган манбалар билан ишлашда уларга шикаст етказиш;
- далилларни тўплашни амалга оширадиган мансабдор шахсларнинг етарли билим ва куникмага эга эмаслиги;
- тергов ҳаракатларини ўтказишда ишнинг моҳияти ва ўтказиладиган тергов ҳаракатини далилларни тўплашдаги самарасизлиги:

Ушбу муаммоларни бартараф қилиш учун жиноят ҳақидаги ариза ва шикоятларни кўриб чиқувчи терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор далилларни тўплашни Жиноят-процессуал кодекснинг 87-моддасига кўрсатилган тергов ҳаракатлари, суд ҳаракатлари, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан амалга оширишлари шарт. Ушбу тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари ваколатли мансабдор шахслар томонидан қонун талаблари асосида ўтказилиши ва унинг натижасида олинган нарсалар, буюм, ҳужжатлар ва маълумотлар далил тариқасида олиниши ва расмийлаштирилиши, ишга алоқадорлиги текшириб кўрилиши шарт. Далилларни тўплашда нафақат тергов ҳаракатлари ёки тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали балки далилларни тўплашда самарали бўлган усуллардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Далилларни тўплаш содир этилган жиноятнинг атроф-муҳитда акс этган воқелик, шунингдек воқеликда юз берган ва кўз билан илғаб олинмаган шакллар ва белгиларда қолдирилган, аҳамиятли ахборот берувчи маълумотларни олиш орқали амалга оширилади.

Илмий адабиётларда далилларни тўплаш мазмуни ҳақида турли ёндашувлар учратиш мумкин.

Н.В.Терзиев далилларни тўплаш уларни топиш, тўплаш, мустахкамлаш ва текширишни ўз ичига олишини таъкидлаб ўтган[2,6], Худди шунга ухшаш фикрларни А.М.Ларин[3,43], С.А.Шефер[4,5], П.А.Лупинская[5,612] ҳам таъкидлаб ўтган. Фикримизча далилларни тўплаш ваколатига эга бўлган субъектлар томонидан қонун талаблари асосида муайян ҳаракатларни (процессуал ҳаракатлар, тергов ҳаракатлари, суд ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари) ўтказиш орқали жиноят содир этилганлигини ёки этилмаганлигини, жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва айнан шу шахс томонидан жиноят содир этилганлиги ҳақида ахборот берувчи нарсалар, буюмлар, ҳужжатларни қидириш, аниқлаш, қайд этиш, олиш, текшириш ва баҳолашни қамраб олади. Юқоридаги олимларни фикрларига қўшилмаган ҳолда далилларни топиш, тўплашдан олдин уларни қидириш ва аниқлаш билан боғлиқ ҳаракатларни

амалга ошириш лозим. Сабаби далилларни қаерда эканлигини қидирмасдан ва аниқламасдан тўриб уларни топиш ва тўплаш жуда қейин.

Жиноят-процессуал қонунчилик далиллар ҳақиқатни аниқлаш мақсадида қуйидаги процесс иштирокчилари томонидан тўпланиши белгилаб берган:

терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 39²-моддаси 3-қисми)[1];

Ҳимоячи (ЖПК 87-моддаси 2-қисми)[1];

Суриштирувчи, терговчи, прокурор; (ЖПК 86-модда 1-қисм)[1];

Далилларни тўплаш қуйидаги процессуал ҳаракатларга риоя қилган ҳолда тўпланади.

Биринчидан: тергов ҳаракатларини ўтказиш (ЖПК 87-м 1қ)

иккинчидан: суд ҳаракатларини ўтказиш (ЖПК 87-м 1қ)

учинчидан: тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш (ЖПК 87-м 1қ)

тўртинчидан: корхона, муассасаса ташкилотлардаги иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларни сўров бериш орқали олиш (масалан судланган тўғрисидаги маълумот)

Ваколатли органнинг мансабдор шахслари тергов ҳаракатлари, процессуал ҳаракатлар, тезкор қидирув тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказишлари ва қонун нормаларига тўлиқ риоя этишлари шарт.

Жиноятга оид ариза ва шикоятларни қонуний ҳал этишда ўтказиладиган терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов қонун нормаларига риоя қилиниб ўтказилиши ва барча қарорлар иш учун аҳамиятли бўлган далиллар асосида ҳал этилиши лозим.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (24.06.2022 йилгача бўлган ҳолати) // <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
2. Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчилиқни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарори – Т.2012.-26.
3. Терзиев Н.В. Указ.соч. С. 6.
4. Ларин А.М. Работа следователя с доказательствами. С. 43
5. Шефер С.А. Следственные действия. М., С. 5
6. Лупнская П.А. Курс советского уголовного процесса. Объяя часть. С.612